2015 ЙИЛ 30 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 235 (13.048)

Баҳоси эркин нархда

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ 9 ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Хабар қилинганидек, 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Депутатлар мамлакатимиз Конституциясида Қонунчилик палатасига берилган ваколатларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини батафсил кўриб чиқдилар.

Тақдим этилган ҳисобот Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталарида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, соҳа экспертлари, ОАВ вакиллари иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Сиёсий партиялар фракцияларида кенг таҳлилий ишлар ўтказилиб, бу депутатларга электорат манфаатлари ҳамда дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз бош молиявий ҳужжати ижросининг боришига нисбатан ўз қатъий нуқтаи назарларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз Ҳукуматининг жорий йил 16 январида бўлиб ўтган мажлисида белгиланган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларининг амалга оширилиши, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларини амалга оширишни давом эттириш асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий динамикаси сақлаб қолинишини ҳамда иқтисодиётнинг янада мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам асос яратилишини таъминлаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Чунончи, жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 7,3 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Бунда макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси кузатилди.

Чуқур ўйланган, пухта пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилганлиги Давлат бюджети даромад қисмининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан 100,2 фоизга ижро этилишини таъминлади, бу ЯИМга нисбатан 22,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетининг харажатлари ЯИМга нисбатан 22,3 фоизни ташкил этиб, бу Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этиш имконини берди.

Бюджет харажатлар қисмининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланганини бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари томонидан ҳисобот юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида иқтисодиётда эришилган ижобий-таркибий силжишлар, сифатли ўзгаришлар ва тенденциялар унинг барқарор ҳамда мутаносиб ривожланишини таъминлади ва Давлат бюджетини профицит билан ижро этиш имконини берди, – дейди **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Намозов.** – Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли тобора ошиб бораётганлиги иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлади. Шунингдек, солиқ юки сезиларли камайиб бораётганлиги шароитида кичик корхоналар ва микрофирмалардан ягона солиқ тўлови тушумлари ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 22,9 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан эса 25,4 фоиз ошди. Бу татбиқ этилаётган солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг самарадорлигидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЕНГИЛ САНОАТГА

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда бўлиб ўтган халқаро инвестициявий форум доирасида ҳамкорлик тўғрисида юздан ортиқ битим ва меморандум имзоланди. Уларнинг бир қисми "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти ҳиссасига тўғри келади.***

Ўзбекистон енгил саноати иқтисодиётимизнинг кўп тармоқли ва инновацион жозибадор секторидир. Қуйидаги рақамлар ҳам енгил саноатнинг мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришда нечоғли муҳим ўрин тутишидан далолат беради. Бугунги кунда тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 3,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажмида 26,2 фоиз, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 44 фоизни ташкил этмоқда.

Айни пайтда тўқимачилик бозоридаги йирик корхона ҳамда таъминотчиларни бирлаштирган, барқарор ва жадал ривожланиб бораётган "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти енгил саноатимиз юксалишида муҳим ўрин тутмоқда. Акциядорлик жамияти таркибига замонавий техника билан таъминланган 300 дан ортиқ тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона киради. Улар орасида дунёнинг етакчи мамлакатлари вакиллари иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар ҳам мавжуд.

Тармоқнинг инвестициявий жозибадорлиги қатор шароитлар, жумладан, мамлакатимизнинг маҳсулотларни транспортда ташиш ва транзит қилиш учун қулай жойлашгани, сифатли ва нисбатан арзон пахта толаси етиштирилаётгани, энергоресурслар арзонлиги, юқори малакали ишчи кучи мавжудлиги билан боғлиқдир. Айниқса, қўшма корхоналарга тақдим қилинаётган имтиёз ва преференциялар енгил саноатга инвестиция жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро инвестициявий форум доирасида Ҳиндистон, Бельгия, Швейцария, Испания, Жанубий Корея, Германия, Италия, Польша, Туркия, Сингапур, Япония давлатлари фирма ва компанияларининг 35 дан зиёд вакили "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини билдирди.

"Ўзбекенгилсаноат" билан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик ва ўзаро англашув тўғрисидаги саккиз меморандум, тўқимачилик тармоғи корхонасини сотиш ва харид қилиш бўйича битта шартнома имзоланди.

Андижон вилоятидаги "Бобур" акциядорлик жамиятининг бўш турган бинолари муҳим стратегик шерик ҳисобланган "Lemon International" компаниясига (Гонконг) 2,4 миллион долларга сотилди. "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги "Bobur M and F" масъулияти чекланган жамияти (Гонконг) билан "Бобур" акциядорлик жамияти базасида қиймати 25 миллион долларлик инвестициявий лойиҳани амалга ошириш тўғрисида меморандум имзолади.

Шуни таъкидлаш кеpакки, имзоланган меморандумлар доирасида "Бухоротекс" акциядорлик жамияти базасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш бўйича "Индорама Корпорейшн" компанияси (Сингапур), Наманган вилоятидаги "Норинтекс" акциядорлик жамиятининг давлат улушини сотиб олиш юзасидан "Enertrade" компанияси (АҚШ), 2016-2018 йилларда Сурхондарё вилоятида калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича "Swiss Capital" (Швейцария) компанияси ва бошқа хорижий корхоналар билан ҳамкорлик давом эттирилади.

Мухтасар айтганда, халқаро инвестициявий форум якуни бўйича "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти чет эллик инвесторлар билан умумий қиймати 216 миллион долларлик меморандум ва шартнома имзолади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

## БАРҚАРОР, ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

**Ўзбекистон тижорат банкларининг ана шу жиҳатлари алоҳида эътироф этилмоқда**

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ҳозирги ҳолати, тенденциялар, янги чақирувлар ва ечимлар мавзусида IV Тошкент халқаро банк форуми бошланди.***

"SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда тижорат банклари вакиллари, ўндан зиёд мамлакатдан банклар, аудиторлик ва молия ташкилотлари, халқаро рейтинг агентликлари экспертлари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари М.Мирзаев, Марказий банк раиси ўринбосари А.Ҳайдаров, Банклар ассоциацияси директори С.Абдуллаев, "SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги директори Р.Жўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида банк тизими капиталлашувини ошириш ва янги технологияларни жорий этишга қаратилаётган юксак эътибор ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Юртимиздаги барча тижорат банклари нуфузли халқаро рейтинг компанияларининг "барқарор" рейтинг баҳосига сазовор бўлган.

Банк-молия тизимини такомиллаштириш, молия муассасаларининг ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар самарасида Ўзбекистон иқтисодиётининг хорижий инвестицияларни жалб қилиш салоҳияти тобора ошмоқда.

Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори банк амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жалб қилиш ва белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда дастуруламал бўлаётир.

Мазкур қарорга кўра, жойларда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли аҳолини қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларига кредит ва микрокредитлар ажратишга доимий эътибор қаратилмоқда. Кўрилган шундай чора-тадбирлар туфайли банкларнинг ишончлилик даражаси ошиб, кредит ва инвестиция салоҳияти юксалмоқда.

– Бир неча йилдан буён Ўзбекистон Марказий банки билан аҳолининг иқтисодий маданиятини оширишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошираётирмиз, – дейди ЎзА мухбирига Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди департамент директори Маттиас Фосс. – Жойларда ўтказилган кўплаб семинарларда иштирок этиб, мамлакатингизда банкларнинг ресурс базасини ошириш мақсадида тизимли ишлар бажарилаётганига гувоҳ бўлдик. Юртингиз банк тизимида кредитлаш соҳасида жаҳон амалиётига хос меъёрлар ўрнатилган. Шу боис Ўзбекистон банк тизимига бўлган ишонч юқори.

Глобал молиявий инқироз шароитида Ўзбекистон банк тизими барқарорлиги, жумладан, банк капиталининг етарлилик даражаси юқорилиги ва молиялаштиришнинг асосий манбаи ички маблағлар эканлиги билан ажралиб туради. Жорий йилда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Doing business 2015" рейтингида Ўзбекистон 189 мамлакат орасида 87-ўринни, тижорат банкларининг кредит ажратиш қулайлиги банди бўйича 42-ўринни эгаллагани бунинг тасдиғидир. Бу хорижий инвесторларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган ишончининг янада ошишида ва инвестиция оқимининг кўпайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Форумда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банкларнинг ўрни, банкларнинг капиталлашуви ва ликвидлигини ошириш, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда халқаро меъёр ва андозаларга мувофиқ янада ривожлантириш каби мавзуларда маърузалар тингланди. Банк-молия сектори вакилларига музокаралар ўтказиш, ҳамкорликни кенгайтириш имконини берувчи бизнес учрашувлар ташкил этилмоқда. Fitch Ratings рейтинг агентлиги ва Grant Thornton аудиторлик компанияси ўтказган давра суҳбатлари шулар сирасидандир.

**Сайёра ШОЕВА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғонада Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари IV миллий форумининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллигини янада ошириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш ва давлат дастурлари ижросини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.**

**● Қаршида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Якуний натижаларга кўра, энг юқори балл тўплаган 10 нафар қиз танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**

**● Қашқадарёда "Ватанимиз тараққиёти учун барчамиз бирдек масъулмиз!" шиори остида ўтказилган "Ёш фермер" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.**

**● Андижонда "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбир доирасида навқирон авлод вакилларининг тасвирий ва амалий санъат асарлари, халқ ҳунармандлиги буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.**

**● Самарқандда "Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ижтимоий шерикчиликнинг ривожланиши ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида кенг иштирокини таъминлаш" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШнинг "American Airlines" авиакомпаниясига қарашли самолёт Тампа шаҳридаги аэропортдан ҳавога кўтарилиб, бир оз вақтдан сўнг фавқулодда қўндирилди. Бунга лайнер двигателида юзага келган техник носозлик сабаб бўлган.**

**● Буюк Британиянинг дунёга машҳур сайёҳлик компанияси — "Thomas Cook" сўнгги беш йилда биринчи марта даромад олишга эришди. Сентябрь ойида якунига етган навбатдаги молиявий йил таҳлиллари шуни кўрсатдики, ушбу даврда туроператор 23 миллион фунт стерлинг миқдорида маблағ ишлаб топган. Бир йил аввал эса компания 118 миллион фунт стерлингни бой берган эди.**

**● Япониянинг "Sony" корпорацияси "PlayStation" русумидаги ўйин қурилмаларининг энг сўнгги, яъни тўртинчи авлоди савдоси бўйича статистика маълумотларини эълон қилди. "PlayStation 4" харидорлар ҳукмига ҳавола қилинганидан то ҳозирги вақтга қадар унинг 30,2 миллион донаси сотилган. Бу ушбу турдаги ўйин жиҳозлари савдоси тарихидаги энг яхши кўрсаткичдир.**

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# ЖАННАТМОНАНД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДИМАН

**Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.**
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасидан.

***Мамлакатимиз Конституцияси асосида биз, ёшларга яратилиб берилаётган чексиз имкониятлар улкан орзуларимизга қанот бағишлаётир. Бош қомусимиз ёшлар учун эркин дунёқараш, юксак тафаккурга суяниб яшаш салоҳияти, эртанги кунга ёруғ юз билан боқиш, фаровон келажакка ишонч туйғусини бахш этди.***

Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги 11-иқтидорли болалар мактаб-интернатида аъло баҳоларга ўқиш баробарида она тили ва адабиёт, ҳуқуқшунослик фанлари бўйича олимпиадаларда қатнашганман. 2006 йили Урганч давлат университетининг тарих ва ҳуқуқ факультетини тамомлаб, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистратурасида таҳсил олдим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ адабиёт, санъат, маданият, фан, таълим соҳаларида фаол изланаётган, интилувчан ва ташаббускор қизлар ушбу юксак мукофотга сазовор бўлмоқда. Мен ҳам 2006 йили таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилдим ва бундан беҳад хурсандман.

Бу муваффақият янги ҳаётга қадам қўяётган мендек қизга билдирилган юксак ишонч бўлди. Севимли шоирамиз Зулфиянинг чин инсоний, гўзал хислатларга лиммо-лим шеърияти мени доимо илҳомлантириб келган. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори қалбимизга бир олам қувонч улашди. Янада фаол бўлишга, масъулиятни ҳис этиб, изланишга ва ижод қилишга ундади.

"Қалб садоси" ва "Хаёл қуши" номли шеърий тўпламларим шоирамизнинг ижодига қизиқиш, адабиёт ва шеъриятга бўлган чексиз меҳрим туфайли дунёга келган. Орзуим Зулфияхоним издоши сифатида билим, тафаккур ва салоҳиятимни ишга солиб, ўзбек қизларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини ва кам бўлмаслигини намоён этишдир.

Мамлакатимизда илм-фан, таълим ривожига кўрсатилаётган эътибор ёшларни етук мутахассис бўлиб фаолият кўрсатишига имкон яратаётир. 2009 йили республика талабалар фан олимпиадасида "Энг яхши нотиқлик қобилияти" номинацияси бўйича ғолиб бўлдим. 2010 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига лойиқ топилдим.

Фаолиятимни Ўзбекистон Миллий университетининг С.Сирожиддинов номидаги академик лицейида маънавият асослари фани ўқитувчиси сифатида бошлаганман. Университет, мамлакат ва халқаро миқёсларда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар, ижтимоий-сиёсий тадбирлар ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келмоқдаман. Айни пайтда фалсафа фанлари доктори, профессор Мукаррам Нурматова кўмагида илмий диссертациямни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрмоқдаман.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, маънан етук инсон ўз Ватани равнақи ва жамият тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилишга қодир бўлади, эл-юрт корига ярайди. Менга билдирилган ишончни ҳис этиб, кўпроқ чет тилларини ўрганишга ҳаракат қилмоқдаман. Илмий изланишлардан ташқари спортнинг гимнастика, енгил атлетика ва теннис турлари билан мунтазам шуғулланаман.

Мен жаннатмонанд юртнинг бахтли қизларидан бириман. Президентимизнинг биз, ёшларга ишончи, устозларимнинг кўмаги менга катта куч-қувват бағишлайди.

**Ёрқиной ЭРНАЗАРОВА,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.**
**ЎзА**

***Инсон ҳақида, унинг туб манфаатлари ва эҳтиёжи ҳақида ғамхўрлик қилган жамиятгина гуллаб-яшнайди, келажакка дадил боқади, кундан-кун обрўси ошиб, халқаро майдонда ҳам тезда кўринади. Ўзбекистонда демократик ва фуқаролик давлатини барпо этишда ана шу эзгу ниятлар кўзланган бўлиб, халқимиз Конституциямизда қайд этилган қоидаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Унда демократик принципларни жамият ҳаётида ўрин эгаллаётганлиги, инсон қадр-қиммати ва шаъни қарор топаётган юртимизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эътироф этилибгина қолмасдан, балки ана шу ҳуқуқларни кишилар онгига сингдириш, уларни жамият қонун ва қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялашга ҳам эътибор ортди.***




# ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИНГ ҲАЁТБАХШ ЗАМИНИ

Республикамизнинг истиқлолга эришиши иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгилашнинг ёрқин истиқболларини очиб берди. Албатта, ҳурликка эришган давлат шубҳасиз, ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият қуришга, ҳуқуқий тизимини яратишга киришади. Кўп асрлик тарихий, сиёсий, маданий илдизларга эга бўлган Ўзбекистон давлат қурилишининг аниқ йўналишларини белгилашда халқ анъаналари, миллий урф-одатлари кишиларнинг турмуш тарзи, жамиятнинг равнақ топа бориш босқичларини ҳисобга олган ҳолда, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўз тараққиёт моделини танлаб олиб, демократик ривожланиш йўлига қадам қўйди. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, шахс ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий давлат бунёд этиш йўлида муҳим вазифаларни собитқадамлик билан рўёбга чиқармоқда.

Конституция бу табаррук ва муқаддас заминда яшовчи халқимизнинг энг яхши фазилатларини, мустаҳкам принципларига асосланган дунёқарашини, инсонийлигини, ўзини ва бошқаларни иззат-ҳурмат қилиш, илму фанга интилиш, ор-номус, иймон, донишмандлик ва тантилик каби олижаноб фазилатларни ўзида акс эттирган.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи юздан ортиқ янги қонунлар қабул қилиниб, кўплаб ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар яратилди, йилдан-йилга давлатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилди, БМТ ва ЕХҲТ доирасида қабул қилинган, муҳим халқаро шартномаларни рўёбга чиқармоқда.

Шу йиллар давомида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг таъсирчан механизми яратилди ва доимий такомиллаштирилиб борилмоқда. Илк маротаба инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунида (15-модда) мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги Конституциясида халқона, миллий, қадимий давлатчилик қадриятлари ва жаҳон ҳуқуқий тафаккури, маданиятининг барча ютуқлари уйғун ҳолда акс эттирилган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумэътироф этилган меъёрларнинг алоҳида мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида ўз ифодасини топди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг қонунчилик билан мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари, 16 та кодекс ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг бутун бир мажмуаси ёрдамида амалга оширилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишнинг қоидалари мамлакатимизнинг тармоқ қонунчилиги нормаларида белгилаб қўйилган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг энг муҳим принциплари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия ва Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекслари меъёрларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси "инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, номуси, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадриятдир" (13-модда) деган асосий қоидасидан келиб чиқади.

Конституциянинг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришни таъминлашда Жиноят кодекси билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ҳам ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Асосий Қомусимизда, чунончи, халқ ҳокимиятчилиги, давлат тузилиши, жамиятни ижтимоий бошқарувнинг барча тизимидаги ўзгаришлар ҳам қайд қилинган. Конституция сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояланишни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. У ўзбек давлатчилиги ва фуқаролик жамияти ривожланишининг истиқболларини белгилаб берди.

Эндиликда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ҳозирда Республика Адлия вазирлигининг расмий рўйхатидан ўтган 400 дан ортиқ республика ва халқаро миқёсдаги жамоат бирлашмалари, вилоятларнинг адлия бошқармаларида 8000 дан ортиқ рўйхатга олинган кўплаб маҳаллий мақомдаги жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маънавият ва маърифат кенгаши ва жамоатчилик маркази", "Амир Темур", "Имом ал Бухорий", "Олтин мерос" халқаро жамғармалари ва ҳ. шулар жумласидандир.

Мустақил Ўзбекистон ижтимоий сиёсат принципларидан ҳисобланган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни танлади. Бунда давлат ислоҳотларнинг инқилобий вариантидан онгли равишда уларнинг тадрижий босқичма-босқич амалга ошириш фойдасига ҳал этиб, халқимизни оғир иқтисодий ва ижтимоий силкинишлар давридан авайлаб ўтди. Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг асосини инсонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш тарзини оқилона йўлга қўйиш, оилага, она ва болага, ногиронлар ва қарияларга кўмак бериш ҳамда пенсия ва нафақалар кабиларни белгилаш шулар жумласига киради.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 18 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида жорий йилда хайрли ишлар амалга оширилди. Мазкур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни халқимизнинг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилди.

Республикамизда инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи бир неча ташкилот ва муассаса фаолият олиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилда Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили иш олиб бора бошлади. 1996 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги (Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги) Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шу йили Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази, 1997 йилда "Ижтимоий фикр" маркази ташкил қилинди ва улар самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ислоҳотлар барча давлат ва фуқаролик институтлари фаолиятини қамраб олиб бормоқда. Фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг ошганлиги уларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини турли ҳуқуқий шакллардан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилишида ҳам кўринади.

Буларнинг ҳаммаси Асосий Қонунимизда кўзда тутилган принципларнинг ҳаётдаги инъикоси бўлиб, жамиятимиз манфаатларини ўзида тўла акс эттиради.

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,**
**юридик фанлари доктори**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ 9 ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Таъкидландики, жаҳон бозорларида сақланиб турган беқарорлик шароитида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар товарлар ва хизматлар экспортининг ошишига хизмат қилди. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва унинг рақобатдошлигини ошириш, ташқи бозорларда харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги қувватларнинг ишга туширилишини рағбатлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида йил бошидан буён экспорт фаолиятига яна 830 та корхона жалб этилди.

Мажлисда ижтимоий соҳа харажатлари таркибининг катта қисмини ҳамон таълим ва соғлиқни сақлаш харажатлари ташкил этаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

– Давлат бюджетининг 9 ойлик ижроси давомида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилган, – дейди **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Арзикулов.** – Давлат бюджети маблағларининг қарийб 60 фоизи айнан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ва унинг фаровонлигини оширишга йўналтирилганлигининг ўзиёқ ана шундан далолат беради.

Ҳисобот даврида таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим жараёнининг даражаси ва сифатини такомиллаштиришга қаратилган таълим стандартлари ҳамда дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни давом эттириш масалаларига биринчи даражали эътибор қаратилди. Бунда ижтимоий соҳа харажатларининг 56,3 фоизи таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантиришга йўналтирилди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда олиб борилди. Ҳисобот даврида Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 24 фоизи соғлиқни сақлашни ривожлантиришга йўналтирилди. Бу эса 2014 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 17,1 фоизга кўп демакдир.

Мажлис давомида депутатлар жойларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиққа оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини ҳамда берилган имтиёзлар ва преференциялардан самарали фойдаланилишини таъминлаш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, шунингдек, тегишли ҳудудларнинг молиявий имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Депутатлар марказда ва жойларда давлат бошқаруви органларининг, бюджет ташкилотларининг бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини, молиявий интизомга риоя этилишини таъминлаш бўйича масъулиятини оширишга, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидаларининг ижро этилиши устидан назоратни янада кучайтиришга доир бир қатор таклифлар билдирдилар.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил 9 ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатасининг**
**Ахборот хизмати**

# ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ

***Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – ҳуқуқий ислоҳотлар асоси" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, Конституциявий суд раиси ўринбосари Б.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида қабул қилинган Асосий қонунимиз давлат ва жамиятимизни ривожлантиришнинг демократик принципларини мустаҳкамлаб, уларни ҳаётга татбиқ этиш учун имконият яратганини таъкидлади.

Бош қомусимиз асосида Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизими ислоҳ қилинди. Ҳокимият тармоқларининг бўлинишидан иборат конституциявий принципни рўёбга чиқариш, қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатларини, назорат функцияларини кучайтириш, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тизими шакллантирилди.

Конституция нормаларига мувофиқ мамлакатимизда иқтисодий фаолият, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимояланиши ва дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик базаси яратилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда давлат қурилиши соҳасида бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларининг янада ривожлантирилиши ҳамда мақбуллаштирилишини таъминлади.

Конституцияда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Бугун мамлакатимизда 8200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти самарали фаолият юритмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти томонидан сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий соҳаларда туб ислоҳотлар ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилган қатор кодекслар, кўплаб қонунлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Анжуманда Конституцияни ўрганиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамоатчилик ўртасида қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари сифатини янада яхшилаш зарурлиги қайд этилди.

***Дилшод КАРИМОВ,***
***ЎзА мухбири***

***Қонун устуворлиги – бу иқтисодий жараёнлар, халқ ва бутун мамлакатнинг фаровонлигига самарали таъсир кўрсатувчи демократик давлат ривожланишининг асосий шаклидир.***

# ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Мустақилликка эришилгандан сўнг, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, соғлом рақобатни вужудга келтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган муҳим норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-тамойиллари тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳага кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид асосий норматив ҳужжатлар ҳисобланади.

Ушбу қонун ҳужжатлари талабларига кўра, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилган. Мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатларда, қонунларни қўллашда вужудга келувчи ва бартараф этиш мумкин бўлмаган барча қарама-қаршилик ва тушунмовчиликлар тадбиркорлик субъектлари фойдасига ҳал қилиниши асосий тамойил сифатида белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик фаолияти ҳар қандай ривожланаётган давлатнинг энг муҳим ва эътиборли соҳаларидан биридир. Шу сабабдан, ҳар қандай давлатда ушбу соҳага кенг имкониятлар яратиш, имтиёзлар бериш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунлар қабул қилинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Юнусобод туманида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, туман ҳокимияти ва прокуратураси ҳамкорлигида ҳар ҳафтанинг жума кунлари "Тадбиркорлар куни" тадбири ташкил этилган.

Ушбу тадбирда мунтазам равишда назорат қилувчи органлар, тижорат банклари, коммунал соҳага хизмат кўрсатувчи корхоналар вакиллари иштирок этиб, тадбиркорлик субъектларини қизиқтирган саволларга жавоб бериш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Туман прокуратураси ходимлари томонидан тадбиркорлар иштирокида ўтказилган учрашувларда уларни қизиқтирган масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Давлат ва назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш учун 235-32-22 рақамли ишонч телефони жорий қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони чиққандан кейин унинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида бир қатор семинарлар ўтказилди. Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни юзасидан туман ҳудудидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда тарғибот ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, янги қабул қилинаётган қонунлар, қонунчиликдаги ўзгаришлар ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида кенг тарғиб қилинмоқда.

**Ҳамиджон РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Юнусобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси**

# МАҚСАД – АҲОЛИГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Анжуманда "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси томонидан жорий йилда қилинган ишлар, куз-қиш мавсумига кўрилган тайёргарлик, шаҳримиздаги кўп қаватли уйларга иссиқлик энергиясини етказиш ва бошқа масалалар хусусида сўз юритилди.

Бирлашма томонидан жорий йилда шаҳримиз аҳолисига иссиқлик энергиясини сифатли ва ишончли тарзда етказиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бирлашма тасарруфида 170 та қозонхона бўлиб улардаги 19 та қозон тўлиқ, 481 таси жорий таъмирланди. Иссиқ сувнинг аҳолига узилишларсиз ва исрофгарчиликларсиз етиб боришини таъминлаш мақсадида 30 километр янги қувурлар ётқизилиб, 92 километрининг ташқи ўрамаси қайта тикланган.

Аҳолидан аризаларни қабул қилиш, бу йўналишдаги камчиликларни тезкорлик билан ҳал этиш ҳамда содир бўлган авария ҳолатларини бартараф қилиш мақсадида бирлашма қошида шаҳар марказий диспетчерлик хизмати ташкил этилган бўлиб, у туну кун иш олиб бормоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари зудлик билан компьютер электрон ахборотлар базасига киритилиб, ҳудудига қараб туман хизмат кўрсатиш корхоналарига чора кўриш учун юборилади. Уларнинг ижроси эса доимий назоратда. Авария ҳолатларини қисқа муддатда бартараф қилиш учун узлуксиз иш олиб борадиган авария-тиклаш бригадалари зарурий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Бирлашманинг туман бўлимларида иссиқлик тармоқларидаги кучсиз жойлари, потенциал авария ва ишдан чиққан ўчоқларини бартараф этишга қатъий эътибор берилмоқда. Бу борада махсус мутахассислар йўналтирилган.

Ҳозирги кунда шаҳримизда иссиқлик тармоқларига 13 минг 100 дан ортиқ бино уланган бўлиб, уларнинг 9141 тасини кўп қаватли уйлар ташкил этади. Қолгани эса даволаш муассасалари, мактаб, болалар боғчаси, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва бошқа объектлардан иборат.

Кўп хонадонли уй-жойларда яшовчиларни иссиқлик энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланишлари ҳамда иссиқ сув сарфи ҳисобини тўлиқ амалга ошириш мақсадида хонадонларда ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Ҳозирга қадар 74,7 фоиз аҳолига бундай ҳисоблагичлар ўрнатилган.

Анжуман қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Абдували СОДИҚОВ**

*Мамлакатимизда "Оиладаги тинчликдан дунёдаги тинчлик сари" халқаро акцияси давом этмоқда.*

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга кўмаклашишга бағишланган мазкур тадбир Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Кураш халқаро ассоциацияси, БМТ ва ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази директори Д.Қобулова, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Р.Фудерич, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Д.Сабо ва бошқалар Ўзбекистонда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларига айланганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг мақоми, эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги, ота-оналарнинг фарзандлари ва фарзандларнинг ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиш масъулияти белгиланган. Оила кодекси, қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда булар янада мустаҳкамланган. Хотин-қизлар манфаатлари ифода этилган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW) мамлакатимизда ратификация қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.


Елкин Шамсиддинов олган сурат

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, оилалар фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Аёл – гўзал бўлса, олам – гўзал, аёл бахтли бўлса – оила, бутун жамият бахтли бўлади" деган сўзлари эзгу тамойилга айланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Оиладаги тинчликдан дунёдаги тинчлик сари" шиори остида ўтказилаётган мазкур акция ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

– Тинчлик-осойишталикни таъминлаш, аввало, оиладан бошланади, – деди ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Д.Сабо. – Бу ҳар бир жамиятда, бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур халқаро акция доирасида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланган тадбирлар, кўргазмалар ва тренинглар ўтказилади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### *ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!*

***Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 4 январида ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади***

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш (иловада келтирилган жадвалга асосан);
- янги ишчи ўринларй ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 6 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 4 январь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда 18 январь, 1, 15, 29 февраль ва 14, 28 март кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

**Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари рўйхати**

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Жой манзили | Балансда сақловчи | ПҚ/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи (сўмда) | Инвестиция мажбурияти (млн.сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Собиқ 379-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари | 759 | Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси, 10-уй | М.Улуғбек туман ҳокимлиги | 31.05.2012 № 154 | 906 520 000 | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.(кўпи билан 1 йил муддат ичида); - юқорида келтирилган "Объектлар" собиқ мактабгача таълим муассасалари ҳисобланганлиги сабабли, "Харидорлар"га ушбу "Объектлар"ни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбурияти юклатилиши. | |
| 2 | Собиқ 384-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари | 869 | Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси, 18-уй | М.Улуғбек туман ҳокимлиги | 31.05.2012 № 154 | 956 680 000 | | |
| 3 | Собиқ 105-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари | 1018 | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 8-уй | Юнусобод туман ҳокимлиги | 31.05.2012 № 154 | 1 237 298 647 | | |
| 4 | Собиқ 196-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари | 1522 | Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 230-уй | М.Улуғбек туман ҳокимлиги | 31.05.2012 № 154 | 3 444 573 654 | | |
| 5 | 2 қаватли бино-иншоот (197-сонли мактабгача таълим муассасасига туташ ҳудудда) | 663 | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино 1-мавзеси | Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги | 31.05.2012 № 154 | 819 689 000 | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида); | |

**Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари рўйхати**

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Жой манзили | Балансда сақловчи | ПҚ/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи (сўмда) | Инвестиция мажбурияти (млн.сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Гараж бино-иншоотлари | 903.44 | Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қорасувбўйи кўчаси, 5а-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти | 25.06.2013 № 209 | 1 105 374 131,23 | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида) | |
| 2 | Бино ва иншоотлар | 3326 | Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 8-март кўчаси, 57а-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти | 25.06.2013 № 209 | 2 707 941 763 | | |
| 3 | Бино қисми | 396 | Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси, 2-уй | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти | 28.04.2015 № 2340 | 358 903 568,56 | | |
| 4 | База бино-иншоотлари | 663 | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Зумрад ва Хосият кўчалари, 58-ҳарбий шаҳарча | Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Тошиссиққуввати" ИЧБ УК | 15.06.2014 № 192 | 833 123 300 | | |
| 5 | Қурилиши тугалланмаган бино-иншоот | 486 | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси | Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК | 28.04.2015 № 2340 | 617 321 036 | 100-200 млн.сўм ва қўшимча 6-10 та иш ўрни яратиш | 4-6 ой муддатда |

UZTELECOM

### *Ҳурматли ҳамшаҳарлар!*

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммога айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали абонентлари – жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарнинг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

"Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқани шикастланишлар оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғриларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали фуқароларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда **102** ёки **233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.


**Таълим**

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРГА ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

***Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида яратилган қулай шароитлар ҳамда ушбу масканларда таълим олаётган ўқувчиларнинг эришаётган ютуқлари фикримиз исботидир.***

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 20-болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Болалар мусиқа ва санъат мактабларида яратилаётган замонавий шароитлар ва ўқувчи-ёшларимизнинг халқаро танловларда муваффақиятли иштироки" мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам айнан шу ҳақда сўз борди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизни миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шакллантиришга катта эътибор қаратилган.

Давлат дастури доирасида асосан аҳоли зич бўлган ҳамда умумтаълим мактаблари яқин бўлган жойларда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактабларида қурилиш ва тиклаш ишлари бажарилди. Шулардан 136 таси янгидан барпо этилди, 142 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди. Шунингдек, замонавий мусиқа чолғулари, овоз кучайтиргич, мебель ва ускуналар билан жиҳозланди.

— Болалар мусиқа ва санъат мактабларида 2008 йилда тўққизта йўналишда таълим берилган бўлса, ёшларнинг қизиқишлари ва қобилиятлари ҳамда ҳудудларнинг маҳаллий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўқув дастурларига театр санъати, тасвирий санъат, амалий санъат ва академик хонандалик каби йўналишлар киритилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Бугунги кунда ушбу таълим масканларида саккиз минг етти юздан зиёд малакали ўқитувчи ва мураббийлар 13 та йўналишдаги 53 та ихтисослик бўйича ўқувчиларга жаҳон ҳамда миллий мусиқа ва санъат асарларини ўргатиб келмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу яратилган замонавий шарт-шароитлар натижасида ўқувчилар қамрови сезиларли даражада ортган, улар ўртасида "Она юрт оҳанглари" номли халқаро танлов, "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Академик ва эстрада ижрочилиги", "Санъат ғунчалари" каби республика кўрик-танловлари, "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивали, "Наврўз садолари" миллий чолғу ансамбль ва оркестрлар фестивалларини мунтазам равишда ўтказиш йўлга қўйилган. Энг муҳими, истеъдодли ёшларимиз Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Румыния, Россия, Озарбойжон, Латвия каби давлатларда ўтказилган турли нуфузли халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритиб, ўзларига билдирилган юксак ишончни оқламоқдалар.

Иштирокчилар тадбир давомида 20-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар, қулай имкониятлар билан ҳам танишиб чиқишди ҳамда турли танлов ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган истеъдодли ўқувчиларнинг ажойиб рақс ва ашулаларидан баҳраманд бўлишди.

Тадбир сўнгида "Йилнинг энг намунали болалар мусиқа ва санъат мактаби" танловининг республика босқичи ғолиблари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зафар НАЗАРОВ**

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Бугунги кунда айрим фуқаролар томонидан валюта олди-сотдиси билан боғлиқ жиноятлар ўтказилаётган рейдлар давомида аниқланмоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Яккасарой тумани ходимлари томонидан ўтказилган текширувда шаҳримиздаги айрим бозорлар атрофида фуқаролар Ҳасан Дўстов, Ҳусан Дўстов, Юнус Юлбарсов, Ҳаёт Ортиқов, Абдусалим Жўраев, Собир Мадалиевлар ўзаро жиноий тил бириктириб, доимий равишда валюта қимматликларини олиш ва ўтказиш билан шуғулланиб келишганлиги аниқланди. Хусусан, Ҳасан Дўстов шу йилнинг январь ойида фуқаро А. Холиқовга ҳар бир АҚШ долларини "қора бозор" қийматида 3500 сўмдан ҳисоблаб, 300 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда 1 миллион 50 минг сўмга сотганлиги аниқланди, унинг жиноий шериклари Ҳ. Дўстов, Ю. Юлбарсов, Ҳ. Ортиқов, А. Жўраев ва С. Мадалиевлар ушланиб, суриштирув ишлари олиб борилганда хориж давлатларига тегишли валюта қимматликлари ашёвий далил сифатида олинган.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг ҳукми билан айбдорларнинг ҳар бирига қонунда белгиланган жазо тайинланди.

**Фарҳод МИРЖАЛИЛОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Яккасарой тумани бўлими бошлиғи ўринбосари**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Гидрометеорология КҲК ўз балансидаги "Коллеж буфети"ни ижарага бериш учун

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ҳужжатлар 2015 йил 4 декабрга қадар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 17:00 гача қабул қилинади.

Маълумот олиш учун тел: 241-40-13, 241-40-15

